

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНИЯЗОВ ШАХЗОДБЕК КАРИМОВИЧ

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИДА КОРПОРАТИВ
БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Курбаниязов Шахзодбек Каримович

Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг
ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги 3

Курбаниязов Шахзодбек Каримович

Эффективность внедрения организационно-экономического механизма
корпоративного управления в промышленности строительных
материалов 27

Kurbaniyazov Shakhzodbek Karimovich

Efficiency of introduction of organizational-economic mechanism of
corporate governance in construction materials industry 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНИЯЗОВ ШАХЗОДБЕК КАРИМОВИЧ

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИДА КОРПОРАТИВ
БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt183 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуримбетов Равшан Ибрагимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Дилфуза Нигматовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Суюнов Дилмурод Холмурадович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.16.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 232-28-72, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 232-28-72, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги № ____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Н. М.А. Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибасига кўра, мамлакатдаги иқтисодий ўсишни таъминлаш, турли саноат объектлари ҳамда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон бўйича қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан дунёнинг турли мамлакатларида ўз иштирокларини кенгайтириб бориш тенденциялари рўй бермоқда. Айниқса, бу борада сифатли цемент ишлаб чиқаришнинг аҳамияти тобора ошиб бориб, уни ишлаб чиқаришнинг 90 фоизи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келса, Ғарбий Европа ва Шимолий Американинг ҳиссаси қарийб 10 фоизни ташкил этмоқда. Global construction 2030 агентлиги маълумотларига кўра, 2030 йилга қадар дунё бўйича қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажми 85 фоизга ошиб, 15,5 трлн. АҚШ долл.ни ташкил этади. Бунда жаҳон бўйича ушбу сектор ўсишининг 57 фоизи асосан уч мамлакат – Хитой, АҚШ ва Ҳиндистонга тўғри келиши тахмин қилинмоқда¹.

Жаҳондаги иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар амалиётида корпоратив бошқарувни назарий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиш, корпорацияларни бошқаришда стратегияларни танлаш, компанияларда корпоратив бошқарув муаммоларини комплекс ўрганиш бўйича илмий изланишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш корпоратив тузилмаларни кенгайтириш борасидаги барқарор тенденцияларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Қурилиш материаллари саноатида хўжалик муносабатлари тизимини янгилаш менежмент моделларини оптималлаштириш, инсоният томонидан тўпланган барча ташкилий ва бошқарув тажрибаларидан оқилона фойдаланган ҳолда корпоратив бошқарув усулини жорий этишни тақозо этади.

Ўзбекистонда жадал иқтисодий ислохотлар шароитида корпоратив шаклдаги тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини ривожлантириш ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Жумладан, кейинги йилларда қурилиш материаллари саноатида корпоратив муносабатларнинг кенг ривожланиб бориши натижасида унинг ялпи саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши кўпайиб бормоқда. Бироқ тармоқ бошқарувида замонавий ташкилий-иқтисодий механизмнинг етарли даражада ташкил этилмаганлиги бугунги кунда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан етарли даражада фойдаланиш имкониятини бермаяпти. Шунга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида қурилиш соҳасини инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, жумладан, «қурилиш

¹ Манба: <http://www.globalconstruction2030.com>

материалларини ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатини инобатга олиш»² билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, ўз навбатида, тармоқда корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрирда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2015 йил 31 мартдаги 2327-сонли «Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясини ташкил этиш тўғрисида», 2015 йил 21 декабрдаги 2454-сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Компанияларда корпоратив бошқарувни жорий этиш ва самарали ташкил этиш механизмларини тадқиқ қилиш масалаларига хорижлик олимларнинг илмий ишларида катта эътибор қаратилган. Жумладан, мазкур муаммолар Р.С.Каплан, М.Д.Крук, Д.Р.Спитцер, Л.Х.Радеба, М.Мескон, И.И.Ансофф, С.А.Дефиллипс, Д.Джонсон, Д.Коллис, К.Кули, Ф.Лейн, С.Монтгомере, С.А.Мэлоун, М.Х.Мескон, А.Рассель, Ф.Торнелл, К.Уолш, М.Хессель, Л.Эдвинсон, К.Шоулз каби олимларнинг ишларида тадқиқ этилган³.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини оширишнинг алоҳида

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони. 2018 йил 22 январь, ПФ-5308-сон

³ Kaplan R.S., Norton D.P. Alignment: Using the Balances Scorecard to Create Corporate Synergies. Harvard Business Review Press, 2006-320 p; Boardman, Anthony and Vining, Aidan. 2010. «Assessing the economic worth of public-private partnerships», in Hodge, G.A., Greve, C. and Boardman, A. (Eds) International Handbook in Public-Private Partnerships (IHPPP), Edward Elgar, UK., pp159-186; Bovaird, Tony. 2010. Мескон М.К. и др. Основы менеджмента. 3-е издание: Пер. с англ. М.: «Вильямс», 2008, 672с.; Мэлоун С.А. Корпоративный учебный центр: создание и управление// Мэлоун С.А. пер.с англ. Ежов Т.О.; научн.ред. Сорокоумов А.В. – Минск. 2008 г. –с 208; Д.Джонсон, К. Шоулз. Корпоративное стратегия. «Вильямс». 2007. с. 223; Collins Dictionary of Business. Sec.Ed.HarperCollins Publishers. 1995. p-75.

йўналишлари И.И.Мазур, Д.М.Михайлов, Герчикова И.М., К.Уолш ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган⁴.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг шаклланиши, ривожланиш хусусиятлари, ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлиги оширишнинг умумий жиҳатлари бўйича Б.Б.Беркинов, Б.Ю.Ходиев, Ш.Ф.Юлдашев, Д.Х.Суюнов, Ш.Н.Зайнутдинов, Д.Н.Рахимова, М.Б.Хамидуллин, Ж.А.Фаттахова, Р.И.Яушев, Ш.Ф.Юлдашев, С.С.Ғуломов, Р.И.Нурибетов, Л.М.Турикова⁵ каби олимлар тадқиқот олиб борганлар.

Маҳаллий ва хорижлик олимлар томонидан амалга оширилган илмий ишларда корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этишнинг амалий томонлари муҳим илмий ва услубий манба бўлсада, бугунги кунда Ўзбекистон қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарув механизмини жорий этиш самарадорлигини оширишнинг концептуал асослари чуқур ва комплекс равишда яхлит мустақил тадқиқот иши объекти сифатида етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусинининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ФМ-3 «Бозор рақобати шароитида реал сектор тармоқлари ҳамда корхоналар ривожланишининг илмий методологик асосини шакллантириш» (2012-2016 йил) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар давлат лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйдагилардан иборат:

корпоратив бошқарувдаги ташкилий-иқтисодий механизмининг моҳияти ҳамда унинг илмий асослари ривожланиш босқичларини ёритиб бериш;

қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизмининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

⁴ Мазур И.И. и др. Корпоративный менеджмент. - М.: Омега-Л., 2011. 781с.; Михайлов Д.М. Эффективное корпоративное управление (на современном этапе развития экономики РФ): учебно-практическое пособие/ Д.М.Михайлов.-М.: КНОРУС, 2010 с.27-28.; Герчикова И.Н. Менеджмент. - М.: ЮНИТИ, 2007, 480 с.; Крук М.Д. Современные формы и механизм корпоративного управления: методология и практика. - М.; 2000-с.357; Уолш К. Ключевые показатели менеджмента. - М.: Дело, 2001-23 с.

⁵ Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры: основы создания и управления. - Т.: ИНБ им. Алишера Навои 2005, - с.147; Ходиев Б.Ю. Корпоратив бошқариш. Т.: Иқтисодиёт, 2010, 257 б. Юлдашев Ш.Ф. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув. Т.: Академия, 2005 139 б.; Карлибаева Р.Х. ва б. Корпоратив молия. – Т.: ТДИУ, 2010. – 260 б.; Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув. - Т.: Академия, 2010, 69 бет.; Нурибетов Р.И., Турикова Л.М.Корпоратив бошқарувда стратегик менежмент самарадорлигини ошириш йўллари// «Fan va texnologiyalar» 2010 у (Монография). Фаттахова Ж.А., Яушев Р.И., Толипов К.Ф., Хамидуллин М.Б. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни жорий этиш муаммолари. – Т.: ИТМ, 2006. – 79 б.; Ғуломов С.С. ва б. Корпоратив ҳуқук. – Т.: Фан, 2004. – 703 б.;

«Ўзқурилишматериаллари» АЖда корпоратив бошқарувни жорий этиш ҳолати ва унинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тармоқда корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлантириш стратегиясини баҳолаш усулини таклиф этиш;

қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш;

қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятининг хўжалик юритиш фаолияти ва бошқаруви танланган.

Тадқиқотнинг предметини иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий мушоҳада, тизимли ва комплекс ёндашув усуллари, таққослаш, эмпирик баҳолаш, эконометрик таҳлил, статистик, иқтисодий таҳлил ва синтез усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корпоратив бошқарув субъектлари мақоми, ваколатлари ҳамда иқтисодий манфаатлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш орқали корпоратив муносабатларни янада такомиллаштириш имкониятлари асослаб берилган;

қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашга ёндашув молиявий натижага таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаштириш орқали такомиллаштирилган;

қурилиш материаллари саноати корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми давлат ва бошқа акциядорлар муносабатларини аниқ чегаралаш, инсайдерлик ахборотларидан фойдаланишни тартибга солиш, корпоратив ижтимоий жавобгарлик даражасини ошириш жиҳатидан такомиллаштирилган;

«Ўзқурилишматериаллари» АЖда акциядорлик капитали ҳамда асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги функционал боғлиқлик асосида тармоқ фаолиятининг 2017-2021 йилларга прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноатининг ривожланиш тенденциялари ва тармоқда корпоратив бошқарувни қўллашнинг асосий хусусиятлари ёритиб берилган;

қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизмининг самарадорлигини аниқлаш усуллари ва

корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизми стратегиясини баҳолаш услубияти таклиф этилган;

тармоқда корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналиши ва истиқболлари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ҳамда «Ўзқурилишматериаллари» АЖ статистик маълумотларидан олингани, тегишли хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация ишида корпоратив бошқарув ва унинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлиги бўйича ёритилган фикр ва мулоҳазалар, илмий-услубий ва амалий ишланмалар республика компанияларида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарув усуллари, тамойиллари, корпоратив бошқарув самарадорлиги мезонлари, механизмлари бўйича олинган хулоса, назарий билимлардан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва қурилиш соҳаси учун иқтисодчи кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларида ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалари, маърузалар матни, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жорий этиш самарадорлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корпоратив бошқарув субъектлари мақоми, ваколатлари ҳамда иқтисодий манфаатлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш орқали корпоратив муносабатларни янада такомиллаштириш имкониятларидан фойдаланиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси амалиётига жорий этилган (Қўмитанинг 2017 йил 14 декабрдаги 12986/06-14-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда жорий этиш корпоратив бошқарув субъектларининг функционал вазифаларини такомиллаштириш орқали ташкилий-иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий фаолият самарадорлигини оширишга олиб келган;

қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашда молиявий натижага таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаштириш орқали такомиллаштирилган ёндашувлардан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси амалиётига жорий этилган (Қўмитанинг 2017 йил 14 декабрдаги 12986/06-14-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши қурилиш материаллари саноати тармоғининг молиявий натижаларига таъсир этувчи истиқболли йўналишларини аниқлаш имконини берган;

қурилиш материаллари саноати корхоналарида давлат ва бошқа акциядорлар муносабатларини аниқ чегаралаш, инсайдерлик ахборотларидан фойдаланишни тартибга солиш, корпоратив ижтимоий жавобгарлик даражасини ошириш асосидан такомиллаштирилган корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизmidан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси амалиётига жорий этилган (Қўмитанинг 2017 йил 14 декабрдаги 12986/06-14-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга татбиқ этилиши қурилиш материаллари саноатида акциядорлар ва корпоратив тузилма фаолиятини тартибга солувчи томонлар мақсадларининг аниқлаштирилиши, корпоратив ҳисоботларнинг манфаатдорларга ўз вақтида етказилиши ва шаффофлигининг таъминлаш имконини берган;

«Ўзқурилишматериаллари» АЖда акциядорлик капитали ҳамда асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги функционал боғлиқлик асосида тармоқ фаолиятининг 2017-2021 йилларга прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Қўмитанинг 2017 йил 14 декабрдаги 12986/06-14-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз кўрсаткичларидан тармоқ истиқбол режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 та хорижий журналларда мақолалар ҳамда 4 та тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобда корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми моҳияти, методологик жиҳатларини ривожлантириш босқичлари ва унинг самарадорлигининг илмий-назарий услубияти қиёсий таҳлил қилинган.

Бугунги кунда корпоратив бошқарувнинг концептуал асосларини тадқиқ этиш, илмий-услубий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш корпоратив бошқарувни амалиётда жорий этиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан бу масалада жиддий тадқиқотлар олиб бориш нафақат, бугунги кунда, балки келажакда ҳам фойдали, умуман бозор муносабатлари шароитида корпоратив бошқарув, бошқарувнинг энг самарали шакли бўлиб, компанияларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлайди. Фикримизча, корпоратив менежмент (corporate management) ва корпоратив бошқарув (corporate governance) тушунчалари бир хил мазмун касб этмайди. Биринчи тушунча тадбиркорлик операцияларини олиб боришда профессионал мутахассисларнинг фаолиятини англатса, яъни, бизнесни амалга ошириш механизмларига йўналтирилса, иккинчи тушунча бирмунча кенгроқ бўлиб, у фирманинг фаолият юритишдаги турли хил нуқтаи назарларга муносабатда бўладиган кўпчилик шахслар ва ташкилотларнинг ўзаро ҳаракатини англатади. Корпоратив бошқарув менежментга нисбатан компанияга раҳбарлик қилишда бирмунча юқорироқ даражага эга бўлади.

Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий муносабатлари эса, чуқурроқ маънога эга бўлиб, корпорация (компаниялар) фаолиятининг иқтисодий жиҳатларини акс эттиради. Компанияларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун мазкур муносабатлар механизми яхши ишлаши лозим. Бу ўз навбатида, корпоратив менежмент тизими учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш заруратини келтириб чиқаради. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартдаги «Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2327-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли фармонида мувофиқ мамлакатимизнинг нуфузли университетларида корпоратив бошқарув мутахассисликлари очилди ва корпоратив бошқарув йўналишида кадрлар тайёрланмоқда.


Илмий ишда таъкидланишича, корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми мураккаб бошқарув тизими бўлиб, асосан ташкилий ва иқтисодий элементлар йиғиндисидан шаклланган ҳолда, авваламбор, ташкилий механизм мулкчилик шакллари, персонал ва корпоратив бошқарувнинг ташкилий тузилма турлари билан белгиланса, корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизми иқтисодий воситаларни тўғри танлаш, уларни бир тизимга келтириш, компаниялар ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади. Ушбу механизм турлари иқтисодий адабиётларда тўлиқ ўрганилмаган, фикримизча, мазкур механизмлар бошқарув механизмлари ҳисобланган ҳолда улар ўзаро боғлиқ ва уларни ўрганишда комплекс ёндашув зарур.

Корпоративлаш асосини хусусий мулк ташкил этган ҳолда унинг хусусияти шундан иборатки, у нафақат хусусий мулкни ифодалайди, балки у тенг эгаллик, хусусий ва ижтимоий мулк эгаллигини ўзида мужассамлаштиради. Корпоратив мулкчиликдаги бўлган тенглик аломати хусусий ва ижтимоий эгаллик муносабатларини ифодалайди. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми даражаси компаниянинг фаолиятини тартибга солувчи асосий воситалардан биридир. Унинг яхши шаклланганлиги компаниянинг нормал ҳолатда фаолият юритишидан далолат беради. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми кенг маънода ишлаб чиқариш ва бошқариш элементларидан иборат бўлиб, уларни ўрганиш ва тўғри тузилиши, ўзаро боғлиқларини таъминлаш, ҳар бир элементнинг таъсирчанлигини аниқлаш бошқариш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Муаллифнинг фикрича, корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми хўжалик фаолиятини ташкил этишда қонунлар, тамойиллар, норматив-меъерий ҳужжатлар, маъмурий низомлар асосида корпоратив муносабатлар иштирокчилари(бевосита иштирокчилар ва давлат, акциядорлар ва менежерларнинг, иштирокчилар ва кредиторларнинг) ўзаро ҳамкорликдаги фаолият тизимидир (1-расм).

Республикада бозор муносабатларининг қарор топиши, аввало, мулкчиликни ва хўжалик юритиш шаклларининг тубдан ўзгаришига олиб келди ва бу, ўз навбатида, акциядорлик жамиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга асос бўлди. Тадқиқотда корпоратив бошқарувни шакллантириш муаммоси методологик жиҳатларни ҳал қилишни тақозо этиши, шунингдек, корпоратив бошқарув усуллариининг ҳам назарий ва амалий томонларини ўрганиш ва ривожланиш босқичларини кўриб чиқиш ушбу тадқиқотнинг асосий талабларидан бири эканлиги таъкидланади.


Корпоратив бошқарув методологиясининг босқичма-босқич ривожланиш асосларини ўрганиш, унинг эволюцион ривожланиш асосларини тадқиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Корпоратив бошқарув авваламбор, sanoat тармоғида қўлланганлиги сабабли sanoatлашган корпоратив бошқарув даври деб аталган.



1-расм. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми элементлари⁶

Тадқиқотда таъкидланишича, корпоратив бошқарувнинг ривожланиш босқичларини шартли равишда тўрттага бўлиш мумкин бўлиб, корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг ҳар бир босқичи ўзига хос хусусиятга эга (2-расм).

⁶ Муаллиф ишланмаси.



2-расм. Корпоратив бошқарув ривожланишининг асосий босқичлари⁷

Юқоридаги расмга кўра, корпоратив бошқарув тарихий ривожланиш билан боғлиқ бўлиб, у маълум босқичда мавжуд ташкилий-иқтисодий механизмларнинг ўзаро боғлиқлигини англатади. Йирик корпоративнинг шаклланишида йирик ишлаб чиқариш ва технологик бошқарув шакли комбинат, завод, ишлаб чиқариш ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг стратегик ривожланишида ўз аҳамиятини сақлаб қолганлигини хорижий давлатлар тажрибаси нуктаи назаридан тан олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ҳозирги босқичда корпоратив бошқарув ривожланишини назарий ва услубий жиҳатдан ўрганиш жуда зарур.


Корпоратив мулкдан самарали фойдаланишда икки томонлама манфаатдорликка эришилади, биринчиси фойдани ошириш, иккинчиси, ҳар бир даражада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Таҳлилларга кўра, услубий нуктаи назардан бошқарув самарадорлигини мезон ва кўрсаткичларини тўғри аниқлаш муҳим масала ҳисобланади. Умумий жиҳатдан корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллари, ва стандартларини ўрганиш, уларни қиёсий таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим масаладир. Ушбу маънода, аввало, корпоратив бошқарув самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

Бозор иқтисодиётини бошқариш самарадорлиги ва корпоратив бошқарув самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичлари ҳамоҳанг равишда ривожланади. Тадқиқотда хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ва ёндашувлари таҳлил қилинган ва самарадорлик услубиятлари ўрганилган

⁷ Муаллиф ишланмаси.

ҳолда муаллифлик услубиятини яратишга ҳаракат қилинган. Муаллифнинг фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида барча мулклар самарадорлиги бир мезонга йўналтирилган. Бу юқори даражада фойда олишдир. Ушбу ёндашувдан келиб чиқиб, илмий ишда фойда туришини асослаб, уни бош мезон қилиб белгилаш таклиф этилади. Ушбу бош мезон кўрсаткичлар тизими билан боғланиб, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг бош мезони ва иқтисодий кўрсаткичлар тизими сифатида ифодаланади. Иқтисодий кўрсаткичлар, ўз навбатида, ички ва ташқи кўрсаткичларга бўлинади (3-расм).



3-расм. Корпоратив бошқарув самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичлари⁸


Тадқиқотда таъкидланишича, корпоратив ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини аниқлаш усулларида бири «синергетик» самарадорлик ҳисобланади. «Синергетик» самарадорлик корпоратив ишлаб чиқаришда субъектларнинг алоҳида фаолиятида кўлга киритилган самарадорлик кўрсаткичларига нисбатан уларнинг ўзаро боғлиқликдаги фаолиятлари, яъни унумли самарадорлик натижаларнинг юқори бўлишида ўз аксини топади. «Синергетик» самарадорлик корпоратив мулкларга қўшимча янги ишлаб чиқариш субъектларнинг қўшилиши натижасида унинг қўшимча самарадорлигини аниқлашни таъминлайди.

Диссертациянинг «**Корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизмининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш самарадорлиги таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиш тенденциялари, «Ўзқурилиш материаллари» АЖда корпоратив бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари ва корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизми стратегиясини баҳолаш таҳлил қилинган.

Таҳлилларга кўра, охириги йилларда республикада қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияси кузатилиб, умумреспублика саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши ҳам мутаносиб равишда ошиб бориб, фақатгина охириги 2-3 йилда нисбатан пасайганлигини кўришимиз мумкин (4-расм).



4-расм. Республика саноат маҳсулоти умумий ҳажмида қурилиш материаллари саноати маҳсулотлари улушининг ўзгариш динамикаси⁹

Маҳаллийлаштириш борасида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида бир қатор қурилиш ва пардозлаш материаллари, шу жумладан, қуруқ қоришмалар, гипс-картон ва лак-бўёқ буюмларини, композит, пластик ва алюминий материалларидан дераза ва эшик блоклари, пардозлаш панеллари ва плиталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўтказилган таҳлилларга кўра, республика бўйича қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг асосий қисми, яъни 76 фоизини цемент, 35 фоизини махсус қурилиш материаллари, 9 фоизини деворбоп материаллар ва 12 фоизини бошқа материаллар ташкил қилади. Бунда цементни ишлаб чиқаришнинг йиллик ўртача ўсиши-10 фоиз, оҳакники-8 фоиз, асбестцемент листлариники-6 фоиз атрофида, шу билан бирга норуда қурилиш материаллари ҳажми босқичма-босқич йилига ўртача 3-4 фоизга қисқариб бормоқда. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг худди шундай импорт қилинадиган қурилиш материалларига нисбатан таққослаганда рақобатбардош эмаслиги билан боғлиқ¹⁰.

Ҳозирда республикада ишлаб чиқариладиган қурилиш материалларининг ярмидан кўпроғи «Ўзқурилишматериаллари» АЖ корхоналарига тўғри келади. Жамият таркибида 100 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари 120 та корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Жамиятда

⁹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси материаллари асосида муаллиф ишланмаси.

¹⁰ Қурилиш материаллари бозори шарҳи: <http://www.mfer.uz/ru/investments/economy/2,1>

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига кўра, маҳаллий хомашё негизда замонавий рақобатбардош қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши натижасида ички бозор талаби қондирилмоқда.

Таҳлилларга кўра, жамиятда 2016 йил якуни бўйича маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,89 мартабага ошган бўлса, соф фойда 2011 йилда 192,8 млрд. сўмни, 2016 йилда 350,7 млрд. сўм ёки бўлмаса, 2011 йилга нисбатан 1,82 марта ташкил қилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари 2011 йилда 628,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 1217 млрд. сўм, яъни 1,94 марта ошганлигини кўрсатмоқда. Дивидентлар шаклидаги даромадлар 2011 йилда 9,7 млрд. сўмга тенг бўлиб, 2016 йилда 0,016 млрд. сўм, яъни 2016 йилда 2011 йилга нисбатан 606,2 мартага камайиб кетганлигини кузатиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

«Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг 2011-2016 йиллардаги асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили, млрд.сўм¹¹

Кўрсаткичлар	Йиллар						2016 йил-нинг 2011 йилга нис-т ўсиши,м
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	
Маҳсулот сотишдан тушган тушум	1295,3	1539,9	1928	2103	1935	2451	1,89
Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари	628,1	762,4	776	922	1126	1217	1,94
Давр харажатлари	300,8	214,9	263	332	386	423	1,41
Сотиш харажатлари	40,4	39,6	50	55	62	71	1,76
Бошқа операцион харажатлар	232,4	142,6	174	226	267	291	1,25
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	17,8	15,3	47	35	64	44	2,47
Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда	667,2	777,5	1152	1181	809	1234	1,85
Дивидентлар шаклидаги даромадлар	9,7	0	0,02	0,01	0,2	0,016	0,0016
Фоишлар шаклидаги даромадлар	30,1	36,8	50,1	53,9	46,6	50,7	1,68
Фоишлар шаклидаги харажатлар	0,4	1,2	2	3,5	8	13	32,5
Валюта курси фарқидан даромадлар	7,4	9	7,6	14	10	11	1,48
Фойда солиғи	12,20	9,31	10,71	26,96	5,09	5,09	0,42
Соф фойда	192,8	327,2	510,7	410,4	210,9	350,7	1,82

¹¹ «Ўзқурилишматериаллари» АК маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Соф фойда маҳсулот таннархига нисбатан ва айниқса, дивидентлар шаклидаги даромадлар ҳажмининг ўтган давр ичида кескин даражада пасайиб кетган. Бунинг асосий сабаблари, биринчидан, пул активлари даражасининг пастлиги, иккинчидан, дивидентларнинг жамият фойдасига боғлиқлиги, учинчидан, дивидентларнинг жамият фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамиятининг юқори эмаслиги ёки рағбатлантирувчи куч сифатида фойдаланилмаслиги ва тўртинчидан, дивидентларнинг иқтисодий восита сифатидаги функциясининг талаб даражасида эмаслиги.

Шунингдек, агар жамиятнинг акционерлик капитали 2016 йилда 2534 млрд. сўмга тенг бўлиб, 2011 йилдаги 1277,8 млрд. сўмга нисбатан 1,98 мартага ошган бўлса, хусусий капитали мос равишда 2,23 мартага, операцион фойда 1,73 мартага ва тўлаш фоизлари суммаси 7,59 мартага ортган. Жамиятнинг муомаладаги оддий акциялари сони ушбу давр оралиғида 70,3 мартага ошган бўлишига қарамай, фойда солиғи суммаси ўтган даврга нисбатан 2,4 мартага камайган (2-жадвал). Ушбу кўрсаткичлар ўзиям «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

2-жадвал

«Ўзқурилишматериаллари» АЖ нинг 2011-2016 йиллардаги айрим молиявий кўрсаткичлари, млрд.сўм¹²

Кўрсаткичлар	Йиллар						2016 йилнинг 2011 йилга нисбатан ўсиши, м
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	
Акционер капитали	1277,8	1 493,6	1 923,2	2177,0	2248,4	2 534,0	1,98
Хусусий капитал	335,8	386,5	487,9	478,6	749,9	749,9	2,23
Муомаладаги оддий акциялар сони	6 882	7 497	15 178	460 439	739 342	483 764	70,3
Операцион фойда	494,1	577,9	935,5	883,5	486,1	854,8	1,73
Тўланган фоиз суммаси	1,76	1,16	2,99	3,51	8,57	13,36	7,59
Фойда солиғи	12,20	9,31	10,71	26,96	5,09	5,09	0,42
Соф активлар, йил бошига	1 250,8	1 314,6	1 496,9	1 906,7	2 206,5	2 248,4	1,79
Соф активлар, йил охирига	1 277,86	1 493,63	1 923,23	2 177,00	2 248,39	2 534,03	1,98

¹² «Ўзқурилишматериаллари» АЖ маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Муаллифнинг фикрича, корпоратив бошқарув самарадорлиги кенг мазмунли бўлиб, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини умумий ҳолда тавсифлайди. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлиги мезон ва кўрсаткичлари уни тўғри ҳисоб-китоб қилишни таъминлайди, корпоратив бошқарувнинг такомиллашиб боришини асослайди.

Тадқиқотда таъкидланишича, қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий стратегиясини ўзгартириш учун аниқ йўлни танлаб олиш зарур бўлиб, улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

корхоналарнинг ташкилий тузилишини лойиҳавий бошқарув асосида оптималлаштириш ёки такомиллаштириб бориш;

замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш орқали янги маҳсулотлар ассортиментини кўпайтиришга қаратилган инвестицион лойиҳаларнинг бажарилишини таъминлаш;

иқтисодий самарасиз корхоналарнинг ишлаб чиқариш йўналишларини диверсификациялаш асосида такомиллаштириш;

бизнес-сервис хизматларини янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланиш даражасини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш;

тежамкор қурилиш ишлаб чиқариш (lean construction) тизимини жорий қилиш.

«Ўзқурилиш материаллари» АЖда диверсификациялаш сиёсатидан кенг фойдаланиш мумкин. Бунда нафақат бугунги кун, балки узоқ даврни ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, жамият корхоналарида экологик соф ва энергия тежамкор қурилиш материаллари айниқса, гипс-картон, керамогранит, иссиқлик изоляцияси материаллари асосида базальт ва вертикулий, энергия самарали технологиялар асосида янги цемент турлари, шунингдек пардозлаш материаллари, санитар-техник буюмлар ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади.

Диссертациянинг **«Корпоратив бошқарувни жорий этиш механизминини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш»** деб номланган учинчи бобида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатида корпоратив бошқарувни тартибга солиш механизминини такомиллаштириш йўллари, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қурилиш материаллари саноатида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш истикболлари ва тармоқда корпоратив ишлаб чиқаришни бошқариш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари баён этилган.

Ҳозирги глобаллашув шароитида компанияларни инвестицион-инновацион ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги техника ва технологияни киритиш, инфратузилмаларнинг яхшиланишида давлатнинг ўрни беқиёсдир. Ушбу нуқтаи назардан компанияларни корпоратив бошқарув усулига ўтказиш, уни такомиллаштиришда бу ҳолатлар ҳам давлат томонидан тартибга солиб туриш зарурлигини тасдиқламоқда.

Муаллифнинг фикрича, корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизминини такомиллаштириш масаласи давлат улушига эга компаниялар

учун бирмунча аҳамиятли ҳисобланади. Корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш учун, аввало, унга тизимли ёндашиш ва бундан ташқари давлатнинг акциядор ва тартибга солувчи сифатидаги мақсадларини аниқ чегаралаш; давлатнинг акциядор сифатидаги мақсадлари тўғрисидаги маълумотларни барча манфаатдор шахсларга етказиш; бошқа акциядорлар билан ўзаро муносабатлар стратегиясини ишлаб чиқиш; давлат улуши мавжуд компаниялар фаолиятига инсайдерлик ахборотларидан фойдаланишни тартибга солувчи ички хужжатларни, корпоратив бошқарув кодексини фаол жорий этиш; давлат иштирокидаги компанияларнинг корпоратив ижтимоий жавобгарлиги даражасини ошириш; директорлар кенгашида махсус кўмиталарни шакллантириш; директорлар кенгаши фаолиятини баҳолаш; давлат компанияларининг ахборот очиқлилиги даражасини листинг тарғиботидан ўтувчи компаниялар даражасигача етказиш каби масалаларга асосий эътиборни қаратиш зарур (5-расм).



5-расм. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш схемаси¹³


Тадқиқотда таъкидланишича, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда мотивация тизими муҳим аҳамият касб этади. Корхона ходимлари компаниянинг бош стратегик ресурси ҳисобланганлиги сабабли меҳнат мотивацияси ходимни рағбатлантиришнинг монетар ва номонетар усулларини ишлаб чиқиш ва самарали жорий қилишга қаратилган бўлиши лозим. Директорлар Кенгаши аъзоларининг ишлари мотивацияси компания фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари бўлган соф фойда ёки капиталлашувнинг ўсиши каби

¹³ Муаллиф ишланмаси.


кўрсаткичлар билан корреляцияланган бўлиши лозим, бу, ўз навбатида, жамият бошқарув аппарати хатти-ҳаракатидан сезиларли самара олиш имконини беради.

